

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛОНОВА ЎҒИЛОЙ ҲАМДАМОВНА**

**АМЕРИКА НАСРИДА КИНОЯНИНГ ПОЭТИК ИФОДА**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

УДК: 821.111(73)-7/-313.1(09)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам  
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

<b>Мавлонова Ўғилой Ҳамдамовна</b> Америка насрида киноянинг поэтик ифода хусусиятлари .....	5
<b>Мавлянова Уғилой Ҳамдамовна</b> Свойство поэтического выражения иронии в Американской прозе .....	25
<b>Mavlonova Ugiloy Hamdamovna</b> The Features of Poetic Expression of Irony in American Prose .....	48
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	52

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАВЛОНОВА ЎҒИЛОЙ ҲАМДАМОВНА**

**АМЕРИКА НАСРИДА КИНОЯНИНГ ПОЭТИК ИФОДА**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.4.PhD/Fil1149 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ўраева Дармон Саидахмедовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Киселёв Дмитрий Анатольевич**  
филология фанлари доктори, доцент

**Хажиева Феруза Мэлсовна**  
филология фанлари доктори, доцент


**Етакчи ташкилот:** **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «21» январь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz).)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (265 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2023 йил «05» январь уни тарқатилди.  
(2023 йил «05» январь даги 2304 рақамли реестр баённомаси).

*Баф*



*[Handwritten signature]*

**М.Қ.Бақоева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

**З.И. Расулов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

**М.М. Жўраева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётида воқеликни киноявий муносабат билан ёритиш ўзига хос тарихга, тараққиёт босқичларига, муайян поэтик қонуниятларга эга. Жаҳон адиблари ижодида киноянинг бадиий-эстетик моҳияти, ўрни, вазифалари, ифода усулларини ўрганиш унинг маълум бир асар структурасини белгиловчи муносабат турига айлангани, жаҳон адабиётидаги анъанавий, умумэстетик муштарак адабий ҳодисалардан бири эканлиги, сатира ва юмор билан боғлиқлиги, реализм ва танқидий реализм, модернизм, постмодернизм адабиётида динамикага эришганини асослашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Америка маданиятида киноянинг поэтик хусусиятларини аниқлаш унинг тарбиявий, сентиментал, фалсафий характерини белгилашга, интертекстуаллик ва интердискурсивлик назарияларининг бойитилишига имкон яратади.

Дунё адабиётшунослиги тараққиёти жараёнида жамият ҳаётидаги ҳамда айрим кишилар фаолиятидаги камчиликларни очиб ташлашда устувор бадиий аҳамият касб этувчи киноя муайян давр ва халқ адабиёти қиёфасини белгилайдиган муҳим хусусиятларини ўрганиш устувор йўналишларга айланиб бормоқда. Шу билан бирга Америка адабиётида ҳам киноянинг поэтик моҳияти, специфик хусусиятлари, кўринишлари, келиб чиқиш омиллари, ифода усулларини Америка насри мисолида очиб бериш унинг бадиий-эстетик категориялар тизимидаги ўрнини, кулги билан алоқадорлигини аниқлаш имконини беради. Зеро, киноянинг турли халқлар адабиётидаги наср турлари, реалистик, танқидий реалистик, модернистик, постмодернистик каби тараққиёт босқичларидаги мақоми, мавқеи, тадрижий такомилли, таъсир диапозони, маълум бир ёзувчи ижодида қўлланиш ҳолатини илмий-назарий баҳолашга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”ки,<sup>1</sup>шунинг учун ўзбек адабиётшунослигига жаҳон адабиётшунослиги мезонлари ва ютуқлари, илғор тадқиқ методлари асосида янгича ёндашувни анча кучайтирди. Натижада ёзувчилар ижодида киноянинг ўзига хос тарзда акс этишини ўрганишга ҳам қизиқиш ортди. Жаҳон адабиёт илмида насрий асарлар структурасида киноя ва киноявий образ ўрнини ёзувчи индивидуал маҳорати асосида ёритиш шундай муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб, бунинг Америка адиблари насрий асарлари мисолида ўрганилиши эса юртимизда кейинги пайтларда бадиий адабиётга, китобга, чет тилларни ўрганишга ва ўргатишга юксак эътибор берилётганининг самарасидир. Шу асосда тобора ривожланиб бораётган Америка насри билан ўзбек насрида кинояни ифодалашдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. – Халқ сўзи. – 2017 йил, 4 август.

поэтик тажрибанинг ўхшаш ва фарқли, муштарак томонлари, миллий-психологик омиллари, халқ кулгисига муносабати очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида киноя(ирония)га муносабат ўтган асрнинг 40-йилларда А.Р.Томпсон,<sup>2</sup> 60-йилларда Н.Кнокс, Ч.Гликсберг, Д.С.Мукс,<sup>3</sup> 70-йилларда Б.О.Стейтс, Ф.Э.Болен, Р.Танака, И.Славов,<sup>4</sup> 80-йилларда В.М.Пивоев, С.И.Походня,<sup>5</sup> 90-йилларда Г.Г.Полищук, М.Эпштейн,<sup>6</sup> 2000-йилларда Е.А.Яшина,

---

<sup>2</sup> Thompson, A. R. *The Dry Mock: A Study of Irony in Drama* /A.R.Thompson. – Los-Angeles: Berkeley U. of California Press, 1948. – 248 p.

<sup>3</sup> Knox, Norman. *The Word Irony and Its Context, 1500-1755* / Norman Knox. Durham, NC: Duke UP, 1961. – 258 p.; Glicksberg, Ch. 1. *The ironic vision in modern literature* / Ch. I. Glicksberg. – The Hague: Martinus Nijhoff, 1969. – 265 p.; Muecke, D. C. *The Compass of Irony* / D. C. Muecke. – London: Methuen, 1969. – 276 p.; Muecke, D.C. *Anatomy of irony* / D. C. Muecke // *Irony and the Ironic*. – London; NewYork: Methuen, 1982. – P. 33-55.

<sup>4</sup> States, B.O. *Irony and Drama: a Poetics* / B. O. States. London: Cornell University Press, 1971. – 243 p.; Tanaka, Ronald. *The Concept of Irony: Theory and Practice* / Ronald Tanaka // *Journal of Literary Semantics*. – 1973. – № 2. – P. 43-56; Bolen, Frances E. *Irony and self-knowledge in the creation of tragedy* / Frances E. Bolen. – Salzburg. Inst. Engl. Sprache und Literatur Univ. – Salzburg, 1973; Славов, И. *Ирония, нигилизм и модернизм* / И. Славов // *Борьба идей в эстетике* / Ред. С. М. Александров. – Москва: Искусство, 1974. – С.277-303.

<sup>5</sup> Пивоев, В.М. *Ирония как эстетическая категория* / В. М. Пивоев // *Философские науки*. – 1982. – № 4. – С. 54-61; Пивоев, В. М. *Ирония как феномен культуры* / В. М. Пивоев. – Петрозаводск: Изд-во Петрозаводск, ун-та, 2000. – 104 с.; Походня, С. И. *Языковые средства и виды реализации иронии* / С. И. Походня. – Киев: Наукова думка, 1989. – 128 с.

<sup>6</sup> Полищук, Г.Г. *Семантико-стилистический анализ поэтических текстов* / Г. Г. Полищук // *Вопросы стилистики: сб. науч. тр.* – Саратов: Изд-во Саратов. гос. ун-та, 1992. – Вып. 24. – С. 3-17; Эпштейн, М. *Ирония стиля: демоническое в образе России у Гоголя* /М. Эпштейн // *Новое литературное обозрение*. – 1996. – № 19. – С. 129-147.

Ю.В.Каменская, Ю Вон Ке, Е.Костюкович, М.Ю.Орлов, Л.А.Посадская, Л.И.Вольперт<sup>7</sup> тадқиқотларида кузатилади.

Г.Н.Поспелов, Ю.Борев каби олимларнинг тадқиқотларида киноя тадқиқиға сатира ва юмор доирасида эътибор қаратилган.<sup>8</sup>

В.Ванслов, А.Лосев, В.Шестаков, Н.Я.Берковский, А.Бочаровларнинг ишларида киноя муайян давр адабиёти ва эстетикаси билан алоқадорликда ўрганилган.<sup>9</sup> Бунда А.Лосев ва В.Шестаковлар киноя категориясига доир эстетик қарашлар тарихига эътибор қаратган бўлса,<sup>10</sup> Н.Фрай, В.Тюпа каби олимлар кинояни алоҳида модус тури сифатида ўрганишган.<sup>11</sup>

Н.К.Салихова XVIII-XIX аср инглиз ва америка бадиий адабиёти материаллари асосида киноя стилистик усулининг тил табиати ҳамда функционал характеристикасини тадқиқ қилган бўлса, С.И.Походня XIX аср охири – XX аср инглиз ва америка бадиий адабиёти материаллари асосида кинояни ифодалашнинг тил воситаларини ўрганган.<sup>12</sup>

М.Ю.Орлов тадқиқотида киноянинг матн яратиш хусусияти рус ва инглиз прозаси мисолида назардан ўтказилган.<sup>13</sup>

XX асрнинг сўнги чорагида МДХ давлатлари адабиётида киноянинг кучайиши уни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар салмоғини орттирди.<sup>14</sup>

<sup>7</sup> Яшина, Е. А. Риторические техники создания концепта иронии в пародии / Е. А. Яшина // Когнитивная семантика: материалы Второй Межд. школы-семинара по когнитивной лингвистике. 4.1. – Тамбов: Изд-во Тамбовск. гос. ун-та, 2000. – С. 215-218; Каменская, Ю.В. Ирония как компонент идиостиля А.П.Чехова: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Саратов, 2001. – 23 с.; Ю Вон Ке. Поэтика “объективности” и ирония: анализ рассказа А.Чехова “Тоска” / Ю Вон Ке // Русский язык за рубежом. – 2002. – № 4. – С.87-89; Орлов М.Ю. Трагическая ирония в свете гекстообразования и интертекстуальных связей // Общество. Этнос. Образование. – Саратов: Научная книга, 2004. – С. 196-201; Вольперт, Л. И. Ирония в прозе Пушкина и Стендаля / Л. И. Вольперт // <http://www.ruthenia.ru/volpert/articles/irony/htm.>; Костюкович, Е. Ирония, точность, поп-эффект (к заметке М. Л. Гаспарова о переводе романа У. Эко “Баудолино”) / Е. Костюкович // Новое литературное обозрение. – 2004. – № 70. – С. 301-305; Посадская, Л.А. Ирония как стилевая доминанта современной прозы: к методике анализа / Л. А. Посадская // Педагогические технологии в вузе и школе: сб. науч. тр. – Саратов: Научная книга, 2004. – Вып.2. – С. 336-339.

<sup>8</sup> Поспелов Г.Н. Творчество Н.В. Гоголя. – Москва, 1953. – С. 52; Борев Ю.Б. Комическое. – М., 1970.

<sup>9</sup> Ванслов В.В. Эстетика романтизма. – Москва: Искусство, 1966; Лосев А.Ф. Ирония античная и романтическая // В кн.: Эстетика и искусство. – Москва, 1966; Берковский Н.Я. Романтизм в Германии. – Л.: Художественная литература, 1973; Бочаров А. Литература и время. – Москва: Художественная литература, 1988.

<sup>10</sup> Лосев А.Ф., Шестаков В.П. История эстетических категорий. – Москва: Искусство, 1965; Шестаков В.П. Эстетические категории. – Москва, 1983.

<sup>11</sup> Фрай Н. Анатомия критики // В кн.: Зарубежная эстетика и теория литературы XIX–XX вв. – Москва, 1987; Тюпа В. Художественность литературного произведения. Вопросы типологии. – Красноярск: Изд-во Красноярского ун-та, 1987; Тюпа В. Художественность // В кн.: Введение в литературоведение. Под ред. Л.В.Чернец. – Москва: Высшая школа, 2000.

<sup>12</sup> Салихова Н.К. Языковая природа и функциональная характеристика стилистического приема иронии (на материале английской и американской художественной литературы XVIII-XIX вв.): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1976. – 24 с.; Походня С.И. Языковые средства выражения иронии в англоязычной художественной прозе (на материале английской и американской художественной литературы конца XIX–XX веков): Дис. ... канд. филол. наук. – Киев, 1984. – 218 с.

<sup>13</sup> Орлов М.Ю. Текстоброзирующая ирония в русской и англоязычной прозе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2005. – 17 с.

<sup>14</sup> Болдина Л.И. Ирония как вид комического: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1982; Кадаша Л.И. Ирония как мировоззрение в латышской литературе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Рига, 1990; Майдаченко П.И. Гротеск, ирония и пародирование как виды комического в современной украинской прозе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1985; Пеха М.П. Проблема характера в современной иронической прозе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Одесса, 1992; Рубина С.Б. Ирония как системаобразующее начало драматургии Е. Щварца: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Горький, 1989;

С.Д.Савов, Е.И.Кононенко, А.Э.Соловьев, В.О.Пигулевский тадқиқотларида кинояга фалсафий ва фалсафий-эстетик аспектда муносабат кўрсатилгани эътиборни тортади.<sup>15</sup>

Ўзбек адабиётшунослигида киноя тадқиқига бағишланган У.Норматов, А.Отабоев, М.Кўчқоровалар мақолалари,<sup>16</sup> М.И.Шералиева, О.Б.Шофиев, Л.Жалиловаларнинг диссертацион тадқиқотлари<sup>17</sup> алоҳида диққатни тортади.

Кўриняптики, Америка адабиётида, унинг насрида киноянинг ўрни ва поэтик вазифалари, ифода усуллари, ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-психологик омиллари ўзбек адабиётшунослари томонидан махсус ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Бухоро давлат университетида олиб борилаётган “Жаҳон адабиёти муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Америка насрида киноянинг бадиий-эстетик категориялар тизимидаги ўрни, комиклик шакли сифатида пайдо бўлиш омиллари, тадрижий тақомили, ундан ёзувчиларнинг фойдаланиш маҳоратини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Америка адабиётида киноянинг ўрнини, пайдо бўлиш ва тараққиёт хусусиятларини, шаклланишидаги ижтимоий-психологик омилларни, бунда адабий таъсир ролини очиш;

киноя – жаҳон адабиётидаги анъанавий, умумий адабий ҳодисалардан бири эканини, унинг кулги кўриниши сифатидаги моҳиятини, асар структурасини белгилашдаги ўрнини асослаш;

Америка реалистик, танқидий реалистик, модернистик ва постмодернистик насрида киноянинг тараққиёт хусусиятларини далиллаш;

Америка насрида сатира ва юмор, халқ кулгиси ҳамда киноя муносабатини аниқлаш;

---

Третьякова Е.Ю. Современная ироническая проза: функция художественных заимствований: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1991.

<sup>15</sup> Савов С.Д. Ирония как объект философско-эстетического анализа: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Киев, 1986; Кононенко Е.И. Ирония как эстетический феномен: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Москва, 1987; Соловьев А.Э. Романтическая концепция иронии и классическая немецкая философия: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Москва, 1987; Пигулевский В.О. Эстетический смысл иронии в искусстве (от романтизма к постмодернизму): Автореф. дисс. ... док. филос. наук. – Москва, 1992.

<sup>16</sup> Норматов У. Кечаги кун одамлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1988. – 2 сентябрь; Отабой А. Биз билган одамларми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1988. – 23 сентябрь; Маънавий инқироз илдизлари. Давра суҳбати // Ёшлик, 1989. – № 3; Кўчқорова М. Киноявий образ яратишдаги бадиий шартлилик воситалари / Ўзбек адабиёти масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: 2013, 45-60-бетлар; Кўчқорова М. Киноявий наср ва бадиий шартлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, № 6. – Б. 48-52; Кўчқорова М. Янгиланган реализм: киноя, байтбарак, прототип масаласига доир / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2018. – 174-183; Кўчқорова М. Киноя ва пародия: тоталитар тузумга қарши исён (Ш.Бўтаевнинг “Эски арава” қиссаси мисолида) / Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи. Тошкент: Мухаррир, 2018. – Б. 236-239.

<sup>17</sup> Шералиева М.И. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни). – Тошкент, 2017. – 46 б.; Шофиев О.Б. Эркин Аъзам насри бадиияти (киноя ва образ). – Самарқанд, 2018. – 26 б.; Жалилова Л.Ж. XX аср бошидаги Америка сатирик новелласининг поэтикаси. – Бухоро, 2021. – 49 б.

Америка насрида кинояни поэтик ифодалаш усулларини, тил воситаларини, бунда адибларнинг мифоним, зоосемизм, фитонимлардан фойдаланиш маҳоратини кўрсатиб бериш;

Америка носирлари ижодида воқеликка киноявий муносабат кўрсатиш ва образ яратишдаги ўзига хос услубий жиҳатларни исботлаш;

Америка роман, қисса, ҳикояларида киноявий образ ва қаҳрамонларни давр ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда таснифлаш, кинояни ифодалаш усулларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Америка насридаги роман, қисса, ҳикоялар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Америка адабиётида яратилган роман, қисса, ҳикоялардаги киноянинг поэтик вазифалари, ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари, ижтимоий-психологик омиллари, ифода усуллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, қиёсий-тарихий, бадиий матн таҳлили, структур-анализ, семантик-стилистик, ижтимоий-маданий, когнитив-концептуал ҳамда психоаналитик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

жаҳон адабиётининг антик, ўрта, уйғониш, маърифатчилик даврларида адибларнинг киноядан фойдаланишдаги бадиий маҳоратига хос такомил белгилари, ижтимоий-психологик омиллари, индивидуаллик ҳамда умумийлик, яқинлик ва муштараклик қирралари очиб берилган;

Америка адабиётида киноянинг оғзаки, вазиятли, драматик, фожиали, сократик, классик, романтик, космик, тарихий, вербал, мета каби турлари, пичинг, кесатик, шама, қочирим, сарказм, истехзо, писанда каби поэтик кўринишлари таснифланиб, ғоявий-эстетик ҳамда композицион, яъни сюжет қурилишидаги бадиий вазифалари далилланган;

жаҳон адабиётида киноя услубий воситасидан фойдаланишнинг ижтимоий-тарихий, бадиий-эстетик асослари ва ушбу бадиий тасвир воситасига хос гносеология усули, универсалиялар ҳамда уни келтириб чиқарувчи парадигмалар аниқланган;

Америка насрида жанр, услубий хусусият, композицион тузилма, мазмун ва шаклий ифодани қамраб олган *интертекстуаллик* ва матннинг экстралингвистик муҳитда реал коммуникатив вазиятни воқелантирадиган *интердискурсивлик* категориялари рамзий образлар, алюзия, пародия, пастиш каби бадиий тасвир воситалари орқали намоён бўлиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Америка насрида киноянинг поэтик тараққий топишида жаҳон халқлари адабиёти таъсир кўрсатгани исботланган;

Америка насрида киноя ўзига хос бадиийлик мезонларига таянилган ҳолда ифода этилгани, бунда анъана, новаторлик, бадиий синтез белгилари, интердискурсивлик ва интертекстуаллик воқеликка киноявий муносабат ифодаловчи восита эканлиги далилланган;

жаҳон, жумладан, Америка насрида киноя, унинг кўринишлари, киноявий образ ва мотивлар талқинида дунё халқлари фольклори ҳамда адабиёти намуналари ижодий манба бўлиб хизмат қилгани қиёсий-типологик аспектда асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ ёндашув усуллари ва киноя ҳақидаги назарий маълумотларнинг илмий ҳамда бадиий манбалардан олингани, шунингдек, тадқиқотнинг америкалик ёзувчилар роман, қисса, ҳикояларида учрайдиган киноя кўринишларини, уларни ифодалаш усулларини ўзаро қиёслаш асосида чиқарилган илмий мушоҳада ва таклифларнинг амалиётга кенг жорий этилгани, эришилган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Америка насрида киноянинг тадқиқи орқали чиқарилган илмий хулосалар жаҳондаги турли халқлар адабиётидаги кинояга хос бадиий хусусиятларни аниқлаш, қиёсий ўрганиш, бадиий матн таҳлили назариясини янада ривожлантириш учун яратилажак кейинги тадқиқотлар учун назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти матн ҳосил қилувчи киноя усулини юзага чиқариш техникасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, Америка адабиёти тарихи бўйича махсус курслардан маъруза ва семинарларни ўқитишда қўлланилиши ҳамда чиқарилган илмий хулосалардан диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва АҚШ адабиёти тарихи бўйича ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Америка насрида киноянинг поэтик ифода хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жаҳон адабиётининг антик, ўрта, уйғониш, маърифатчилик даврларида адибларнинг киноядан фойдаланишдаги бадиий маҳоратига хос такомил белгилари, ижтимоий-психологик омиллари, индивидуаллик ҳамда умумийлик, яқинлик ва муштараклик қирралари билан боғлиқ илмий хулосаларидан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 1 апрелдаги 124-сон маълумотномаси). Натижада жаҳон адабиётидаги анъанавий, умумий адабий ҳодисалардан бири бўлган киноянинг моҳияти, реалистик, танқидий реалистик, модернистик ва постмодернистик насрдаги тараққиёт хусусиятлари, бадиий асар ғоявий йўналиши, жанри ва структурасини белгилашдаги аҳамияти, типологик хусусиятлари очиқ берилган;

Америка адабиётида киноянинг оғзаки, вазиятли, драматик, фожиали, сократик, классик, романтик, космик, тарихий, вербал, мета каби турлари, пичинг, кесатик, шама, қочирим, сарказм, истехзо, писанда каби поэтик

кўринишлари таснифланиб, ғоявий-эстетик ҳамда композицион, яъни сюжет қурилишидаги бадий вазифалари билан боғлиқ хулосалардан Бухоро давлат университетидан 2018-2020 йилларда бажарилган S-UZ800-18-GR-0022 рақамли “Access-STEM” номли хорижий лойиҳада фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 19 февралдаги №05-01-0611-сон маълумотномаси). Натижада Америка насридаги роман, қисса, ҳикояларда киноянинг пайдо бўлиши ва шаклланишидаги ижтимоий-психологик омиллар; бадий асар ғоявий йўналиши, жанри ва структурасини белгилашда киноянинг аҳамияти; унинг Америка насридаги миллий белгилари, носирлар ижодида воқеликка киноявий муносабат кўрсатиш усуллари, бунда адибларнинг зоосемизм ва фитонимлардан фойдаланиш маҳорати ҳақидаги фикр-мулоҳазалар тингловчилар қизиқишини оширишга хизмат қилган;

жаҳон адабиётида киноя услубий воситасидан фойдаланишнинг ижтимоий-тарихий, бадий-эстетик асослари ва ушбу бадий тасвир воситасига хос гносеология усули, универсалиялар ҳамда уни келтириб чиқарувчи парадигмалар билан боғлиқ хулоса ва натижалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 31 майдаги №1/124-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, уларнинг Америка адабиётида киноянинг келиб чиқиш омиллари, поэтик ифода хусусиятлари бўйича билимини, илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган. Шунингдек, ишнинг илмий хулоса ва натижаларидан фойдаланиш телекўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмунини илмий далиллар билан бойитишга, кўрсатувнинг илмий-оммабоплик хусусиятини оширишга асос яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола, улардан, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг диссертация

бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, апробацияси, жорийланиши, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Киноя – жаҳон адабиётидаги умумий адабий ҳодисалардан бири”** деб номланган бўлиб, уч фаслдан ташкил топган. Унинг “Киноянинг шаклланиш омиллари ва ўрганилиш тамойиллари” деб аталган илк фаслида киноя табиати, унинг тарихий ва замонавий ўрганилиш тарихи ёритилган.

Киноя адабиётда жуда қадим замонларда шаклланган. Киноя жаҳон адабиётшунослигида “ирония”, “сарказм” тушунчалари остида англаниб келинган. Аслида киноянинг қўлланиши фольклордан бошланган бўлиб, кейинчалик ёзма адабиётга ҳам кўчган.

Киноя барча халқлар адабиётида ўз ўрнига эга. Замонавий дунёда киноянинг вазифалари ва ўрни янада кенгайгани кузатилади. Жумладан, унинг мавжудлиги шахслараро мулоқотда, бадиий адабиётда, тасвирий санъатда, журналистикада, театрда, рекламада, сиёсатда, фанда ва ҳ.к. кўринади. Киноя ўзаро маданий муносабатларнинг деярли барча соҳаларида акс этиши унинг адабий тил ва кундалик нутқнинг анъанавий маконидан интертекстуаллик маконига кирганлигидан яққол далолат беради.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида киноя ҳодисасини ўрганишнинг асосий ёндашувлари орасида бир нечта асосий йўналишлар мавжуд. Булар эса қуйидагилардан иборат: 1. Киноя ҳодисасини ўрганишга тарихий ёндашув. Бунда кўпроқ ўтмишдаги киноя шакллари эътиборга олинади. Унинг замонавий постмодерн контекстда ва айниқса, ҳозирги шароитда мавжуд кўринишлари назардан четда қолади. 2. Кинояга комиклик (кулги яратиш, ҳавж қилиш) шаклларида бири сифатида ёндашув. 3. Кинояга лингвистик, яъни тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашув. Бунда киноя кўпроқ троп (кўчим тури) сифатида ўрганилади ва унинг ўзига хос эстетик хусусиятлари эътибордан сал четда қолади. 4. Кинояга маънавий ҳодиса ва ижодкорнинг ўз индивидуал бадиий маҳоратини акс эттиришнинг ўзига хос усули сифатида ёндашув. 5. Кинояга эстетик муносабатнинг бир тури сифатида ёндашув. 6. Постмодернизмнинг ижтимоий-маданий маконида ва бадиий амалиётида киноя, истехзо роли яққол ўсишининг сабабларини ўрганиш. Шундай қилиб, кинояга бу тарзда ҳар хил ёндашувлар туфайли шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда киноянинг индивидуал онтологик механизмларини (масалан, тропик ёки риторик восита сифатидаги киноя) эмас, балки унинг ички механизмларини яхлит тизим сифатида очиб берадиган тизимли эстетик тадқиқотлар мавжуд эмас.

Антик даврдан бери киноя муаммосига қизиқиш доимий ўсиб борган. Антик даврда ўша даврнинг объектив эҳтиёжлари ва даврнинг умумий

маданий, эстетик ҳолати билан боғлиқ ҳолда, инсон ҳаётининг ушбу томонига эътиборнинг кучайиши туфайли киноя муаммолари жуда фаол муҳокама қилинган ва ўрганилган. Ўрта асрларда кинояга бўлган муносабат диннинг таъсирида янада мураккаблашган. Хусусан, Европада черков маданиятининг қадриятлари ва механизмлари ҳукмронлик қилган даврда киноя одамларнинг гуноҳкорлиги муаммоси билан боғлиқ ҳолда ифода этилган. Уйғониш даврининг бошланиши билан черковнинг маданият соҳасидаги таъсири заифлашгани, шахсий эркинлик ва шахсиятни ижодий намоён этиш муаммоларига қизиқиш кучайиши сабабли, кинояга эътибор янада долзарблашди. Маърифатпарварлик даврида баркамол шахс муаммоси рационализм негизида киноя ҳодисасини тушуниш муаммосига қайтишга мажбур қилди. Бу, биринчи навбатда, шахс ривожланишининг энг муҳим омилларидан бири сифатида одамда ҳазил туйғусини ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги постулатни ўрганиш контекстида содир бўлди.

Киноя сўз ўйинининг бир туридир. Яна киноя комик ва эстетик ҳодисанинг фаол шакли.

Киноя ёзувчиларга асар ғоявийлигини ва бадииятини ошириш, энг муҳими, унинг халқчиллиги ва таъсирчанлигини таъминлаш имконини бериши билан поэтик аҳамият касб этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, унинг хусусиятларини қуйидагича белгилаб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, киноядан кўпинча услубий восита сифатида етакчи қаҳрамонларнинг нутқий мулоқот жараёнида фойдаланилади. Киноя атамаси услубий восита номи бўлиб келганда, “бадий асардаги инкор этиш усулларидан бири бўлиб, бирор шахс ёки нарса устидан кесатик, қочирик воситасида яширин қулишдан иборат” бўлади.<sup>18</sup> Иккинчидан, киноя бадий асарнинг тил сатҳида намоён бўлади. Учинчидан, киноялар тасвирланаётган воқеликка ўқувчи ёхуд томошабин муносабатини англата олади. Тўртинчидан, киноя бадий асарнинг ғоявий-мавзуй, сюжет-композицион жиҳатларини қамраб олади. Бешинчидан, асарнинг умумий бадий структурасини белгиловчи омилга айланади. Олтинчидан, киноя, аввало, ижтимоий адолатсизликларга қаршилиқни ифодалашга хизмат қилади. Еттинчидан, киноя орқали ёзувчи ижтимоий турмушни ўзгартириш, янгилашга даъват қилишни кўзда тутди.

Киноянинг кучайишига, одатда, иккита асосий ижтимоий-психологик омил замин яратади. Булардан биринчиси – даврнинг ижтимоий шарт-шароити, одамларнинг қийин турмуш тарзи, яъни объектив омил; иккинчиси – айна шу шарт-шароитларда етилган ва ижодкор шахсида намоён бўлган ижтимоий дард-кайфият, яъни субъектив омил.

Киноя – гносеология, яъни билишнинг ўзига хос усули. Киноя онгнинг фалсафий-эстетик ҳодисаси. Чунки киноя инсонларни шубҳа остига олинган ҳақиқатни қайта ўйлашга мажбурлайди. Шу сабаб у моҳиятан ўзига хос эстетик фикрлаш усулидир.

---

<sup>18</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, 83-бет, [Ziyouz.com](http://Ziyouz.com) кутубхонаси

Киноя воқеликни шунчаки субъектив баҳолаш усули эмас. У инсонни ўзига хос сўз ўйинлари орқали воқеликни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашга мажбур қилади. Бошқача айтганда, кинояни акс эттириш хусусияти ақл ўйинига хосланганида ҳам кўринади. Кинояни бадий матнда муаллиф модаллигини ифодалашнинг яширин шакли сифатида ҳам қайд этиш жоиз. Киноя асосидаги баҳолашда ўзига хос субъектив модаллик намоён бўлади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Киноя” ва унга яқин тушунчаларнинг моҳияти” деб номланган. Бу фаслда киноянинг унга ёндош ва яқин бўлган пичинг, кесатиқ, сарказм, истехзо, писанда каби тушунчаларга ўхшашлиги ва фарқи очиб берилган.

“Киноя” тушунчаси ҳозиргача турли хил маъноларда талқин қилинган. Шу талқинларни бугунги кунда бирлаштириш, тизимлаштириш лозим. Киноя сўзи араб тилидан олинган бўлиб, беги; шама, ишора; пичинг, кесатиқ маъноларини билдиради. Аммо уларни ҳар доим бир-бирига синоним (маънодош) ҳолатида қўллаб бўлмайди.

Генри Уотсон Фаулер “The King's English” асарида: “Киноянинг ҳар қандай таърифи, гарчи юзлаб берилиши мумкин бўлса-да, уларнинг қабул қилинган жуда оз қисми шуни ўз ичига олиши керакки, айтилганларнинг сирт маъноси ва асосий маъноси бир хил эмас”, – дейди.

Киноя лотинча “ironia”, юнонча “eirōneia” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “тартибга солиш, қасдан тасвирланган жоҳиллик” деган маъноларни англатади. Киноя нафақат сўз, балки кинояли табассум, илжайиш, кўзларни қисиш, лабларни чўччайтириш, ҳазил аралаш киноя оҳангида сўзлаш каби мимикали хатти-ҳаракатлар билан ҳам ифодаланади.

Ҳаётдаги парадоксал вазиятларни ҳаётнинг киноялари деб аташади. Киноя кутилган ҳолатга зид бўлган ҳолатларни айтишдан юзага келади. Масалан: Жек Лондоннинг “Ҳаётга муҳаббат” ҳикоясида бўри одамни эмас, одам бўрини ғажийди. Ёки баъзан доктор давоси йўқ касалликка чалинади. Қолбуки, бу касб эгасининг ўзи касалларни даволайди.

Пичинг – бировнинг шахсига тегиш, ғашини келтириш, масхаралаш учун айтилган илмоқли гап; қочирим, қочирик.<sup>19</sup> У ўзбек халқи орасида “пичинг қилиш”, “пичинг отиш”, “жиртак отиш” бирикмалари билан ҳам юритилади. Пичингни барча тушунавермайди. Чунки ундаги фикрлар кўпинча коннотативликка асосланади. Сўзлар кўчма маънода ифода этилади.

Кесатиқ – қочирим билан, пардалаб масхаралаш, кулиш ёки камситиш; истехзо, пичинг.<sup>20</sup> Қочирим – бирор кимса, нарса, воқеа ва шу кабиларга ишора қилиб айтилган рамзий фикр, шама; қочирик. Ўзбеклар орасида қочирим кўпинча аския қилганда ишлатилади. Баъзан у макташга ўхшаб айтиладики, шунинг учун бирдан тушуниш қийин бўлади. Бу гап қочиримми ё макташми фарқлаш осон кечмайди.

<sup>19</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, 72-бет, [Ziyouz.com](http://Ziyouz.com) кутубхонаси

<sup>20</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, 70-бет, [Ziyouz.com](http://Ziyouz.com) кутубхонаси

Шама сўзи киноя, қочирим (қочирик) сўзлари билан бир синонимик қаторда туради. О.Генрининг “Афсунгарлар тухфаси” ҳикоясида унинг “дудмал шама” деб ишлатилгани учрайди.

Сарказм – (юнонча *σαρκασμός* / (*sarkasmós*) сўздан олинган бўлиб, гўшти нимталайман, пора-пора қиламан, узиб, юлиб оламан, ғазабдан лабини тишламоқ, масхара қилмоқ” деган бир қатор маъноларни билдиради. Сатирик тасвирда фош этувчи мурасасиз кулги, истехзоли таъна асосига қурилган фикр-мулоҳазани англатади.<sup>21</sup> Сатирик ёки комик фош қилиш турларидан бири, заҳарханда мазах, истехзонинг энг юқори даражаси бўлган сарказмда ифодаланаётган контраст кучайиб боради. Тасвирланётган нарса устидан аёвсиз масхара қилинади. Назарда тутилган нарса дарҳол қасддан очиб ташланади.

Инглиз тилида ёзма нутқда киноя ёки сарказмни ифодалаш учун қабул қилинган стандарт усул бўлмаса ҳам, тиниш белгиларининг бир нечта шакллари таклиф қилинган. Улар орасида 1580 йилларда Генри Денхем томонидан қўлланилган перконтация нуқтаси, XIX асрда Алкантер де Брам томонидан киритилган киноя белгиси алоҳида диққатни тортади. Бу иккала белги визуал тарзда “?” тескари савол белгиси билан ифодаланади. Бу каби тиниш белгиларининг ҳар бири, биринчи навбатда, жумлани кинояли деб тушуниш кераклигини кўрсатиш учун ишлатилади. Баъзан сарказмни ифодалаш учун қавс ичидаги ундов ёки савол белгисидан, шунингдек, кўштирноқлардан фойдаланилади. Айрим Эфиория тилларида сарказм ва нореал иборалар жумла охирида “*temherte slaq*” деб номланган сарказм белгиси билан кўрсатилган. Ундан фойдаланиш Жон Уилкинсинг 1668 йилдаги тескари ундов (j) белгисини киноя белгиси сифатида ишлатиш ҳақидаги таклифига мувофиқдир.

Айрим ҳолларда сарказм ва киноя бир вақтда қўлланилади. Бу “заҳарханда киноя” бирикмаси билан юритилади.

Истехзо – (арабча сўз бўлиб, устидан кулиш; мазах, пичинг, киноя) дегани. Кимсанинг устидан кулиш, масхара қилиш; масхара, мазах ва унинг, одатда, гап-сўз, мимика ва шу кабилар замирида ётувчи ифодаси.<sup>22</sup> Истехзо ҳам киноя каби матнни ташкил этишнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Истехзоли маънони етказишда экинчи ишора муҳим ўрин тутаяди.

Писанда – форсча сўз бўлиб, дидга тўғри келган, мақбул; мақтовга, маъқуллашга сазовор дегани. У олдиндан қўйилган талаб, шарт асосида пайдо бўлади. Ё “талаб ёки шарт тарзида айтиладиган баҳонани англатади.<sup>23</sup>

“Киноя” термини кўпинча то истиқлолгача рус ва бошқа халқлар адабиётшунослигида қўлланадиган “ирония” термини билан атаб келинган. Лекин, маъносига кўра “ирония” семантикаси кенг, кинояники эса торроқ. Шунинг учун ирония ва киноя атамалари ўзаро синоним эмас.

<sup>21</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, 44-бет, [Ziyouz.com](http://Ziyouz.com) кутубхонаси

<sup>22</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, 70-бет, [Ziyouz.com](http://Ziyouz.com) кутубхонаси

<sup>23</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, 69-бет, [Ziyouz.com](http://Ziyouz.com) кутубхонаси

Биринчи бобнинг “Америка насрида киноянинг турлари” номли учинчи фаслида киноянинг оғзаки, вазиятли, драматик, фожиали, сократик, классик, романтик, космик, тарихий, вербал, мета турларига эгаллиги, Улар фаол ёки нофаол бўлиши, инсонга, жонивор, предмет ва ўрин-жой ёки маконга йўналтирилиши аниқланган. Агар киши ўзи айтмоқчи бўлган фикрга умуман қарама-қарши фикрни оғзаки тарзда мулойимлик билан айтса, оғзаки киноя пайдо бўлади. У кўпроқ диалог жараёнида юзага келади. Оғзаки киноя, одатда, икки хил ҳолатда қўлланади: а) ортиқча баҳолаш учун, яъни киши бирор нарсанинг моҳиятини бўрттириб кўрсатмоқчи бўлса; б) тушунмовчилик туфайли, яъни киши бирор нарсанинг хусусиятига путур етказганда.<sup>24</sup>

Оғзаки киноянинг бир турини киноявий ўхшатишлар ташкил қилади. Киноя-ўхшатиш а) инсонга; б) жониворларга; в) предметларга; г) ўрин-жой ёки маконга қаратилади.

Вазиятли киноя (Situational irony) ният ва натижанинг номутаносиблиги, ҳаракатнинг натижаси исталган ёки кутилган натижага зид бўлишини англатади. Масалан, кимдир ўзини ҳимоя қилиш учун қурол сотиб олса-ю, аммо ўша қурол унинг бошига бало келтирса, бунинг натижасида қурол хавфсизлик таъминотчиси эмас, жароҳат етказувчига айланиб, вазиятли киноя манбасига айланади. Бироқ, вазиятли киноя ва тасодиф ёки омадсизлик ўртасида фарқ бор.

Драматик киноя – томошабинлар нима юз бераётганини аниқ билиб турсалар-да, қаҳрамонлардан бири ўзини гўё атрофида содир бўлаётган воқеалардан беҳабардай тутади. Драматик киноя бадийий фильмлар, насрий, шеърӣй ва драма асарларидан ўрин олади.

Фожиали киноя (“Tragic irony”) – драматик киноянинг махсус бир туридир. У драматургик ҳаракатларда қаҳрамон билмаган ҳолда дуч келадиган парадоксал ҳолат деб аталади.

Сократик киноя ёки сократик ирония – Сукрот ўз суҳбатдоши билан диалог уюштирар экан, диалектик усулда у билан киноя формуласи асосида сўзлашган. Бунда Сукрот ўзини гўё муҳокама қилинаётган мавзудан беҳабар қилиб кўрсатган, шу орқали суҳбатдошларини кўпроқ гапиртиришга, далиллар келтиришига эришган. Сократик киноя “рақибни чалғитиш воситаси” сифатида қўлланилади.

Бундан ташқари, “The New Princeton Encyclopedia of Poetry and Poetics”да киноянинг куйидаги турлари ажратиб кўрсатилган. 1. Классик киноя (Classical irony). Бунда қадимги асарларда, масалан, мумтоз юнон комедиясида, ўрта аср риториклари томонидан қўлланган киноя назарда тутилган. 2. Романтик киноя (Romantic irony) бадийий адабиётнинг танқидий шаклларида бири. Романтик киноя тушунчаси илк бор немис романтик ёзувчиси ва танқидчиси Карл Вильгельм Фридрих Шлегель томонидан қўлланилган. 3. Космик киноя (Cosmic irony). Ўзида мутлақлик ва нисбийлик,

<sup>24</sup> <http://typesofirony.com/#google>

умумийлик ва индивидуаллик ўртасидаги қарама-қаршиликни намоён этади. Уни Гегель “дунёнинг умумий кинояси” ибораси билан ифодалаган. У тақдир кинояси, вазиятли киноя билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, воқелик ва инсоний идеаллар ўртасидаги ёки инсон ниятлари ва ҳақиқий натижалар ўртасидаги кескин қарама-қаршиликлардан келиб чиқади. Натижада юзага келган вазият кутилган ёки мўлжалланган нарсага мутлақо зид бўлади. Космик ирония кўпинча адабиётда кулгили эффект яратиш учун ишлатилади. 4. Сўз киноя (Verbal irony). Баён қилинган, айтилган фикрнинг ўзи ва ундан англашилган маъно ўртасидаги зиддиятда акс этади. 5. Мета киноя (Meta irony). Кинояли ёки истехзоли ҳазил истехзоли объект воситасида тақдим этилади. Кинояли фикрлар истехзо билан баён этилади.

Тарихий киноя тарихга замонавий кўз билан қаралса, кўпинча тарихий шахсларнинг ўз дунёсининг келажагини кўриши ва аслида нима содир бўлаётгани ўртасида кескин қарама-қаршиликлар пайдо бўлиши натижасида келиб чиқади. Масалан, ҳозирда “Биринчи жаҳон уруши” деб аталадиган ҳодиса Ҳ.Г. Уэлс томонидан “урушни тугатадиган уруш” деб аталган. Кейинчалик бу ибора деярли клишега айланган. Шунинг учун тарихий киноя космик киноянинг бир қисмидир, лекин унда вақт элементи роль ўйнаши керак.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Америка насрида киноянинг кулги кўриниши сифатидаги поэтик таракқиёт хусусиятлари”** деб номланган бўлиб, уч фаслни қамраб олган. Унинг илк фасли “Киноя – комикликнинг долзарб шакли сифатида” деб аталган. Комиклик киноянинг генетик эстетик асоси экани кўринади. Комикликнинг асосий шакллари орасида юмор, гротеск, сатира, киноя одатда ажралиб туради. Аввало, киноянинг сатирик ва комик кўринишларини ўзаро фарқлаш лозим. Унинг комик кўриниши енгил кулгига, сатирик кўриниши фош қилувчи кулгига олиб келади. Америка насрида эса киноя унинг танқидий реализм ва постмодернизм босқичида кучайгани кўринади.

“Комикликнинг бир тури бўлган кинояда кулгилилик жиддийлик ниқоби остига яшириниб, ўзида сўзловчидаги устунлик ёхуд гумонсираш туйғусини акс эттиради”.<sup>25</sup> Киноя ҳажвий асарнинг мустақил шакли сифатида, шунингдек, матннинг мазмунли концептуал категорияси бўлиб, яширин табиати ва баҳоловчилиги билан ажралиб туради, бадий матнда муаллиф модаллигини ифодалашнинг, воқеликни баҳолаш услубини очиқ беришнинг яширин шакли сифатида намоён бўлади.

Киноя замонавий ижтимоий-маданий ва эстетик воқелик контекстида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган объектив лаҳза сифатида мавзу даражасидан семантик (мазмун) даражасига кўтарилади. Бунинг натижасида эса у тилнинг метафорасига айланади.

Киноя ҳажвий кўриниш сифатида кўп қиррали ҳодиса бўлиб, у ҳам субъектив қадрият йўналиши, ҳам адабий восита-троплар, ҳам ўзига хос

<sup>25</sup> ЎЗМЭ. Биринчи жилд. – Тошкент, 2000.

эстетик акс эттириш усули ҳисобланади. Комикликнинг бир шакли сифатида киноя ўз эстетик чегараларига эгадир.

Иккинчи бобнинг “Киноя – матн шакллантирувчи услубий воситалардан бири” номли иккинчи фаслида киноянинг матн яратиш вазифалари, унинг семантик маконнинг боғловчиси, конструктив элементи бўлиб келиши ҳамда матнни ташкил этиш модели кўриб чиқилган.

Киноя ҳажвий матн ҳосил қилиш имконига эгаллиги билан эътиборни тортади. Бу ҳақда тилшунослик ва адабиётшуносликда айрим махсус кузатишлар ҳам олиб борилган.<sup>26</sup> Киноя ифодаланиши кўзда тутилган том маъно ва яширин маъно ўртасидаги зиддиятдан иборат йўл сифатида ёки бутун адабий матннинг тузилиши билан боғлиқ бўлган, муаллифга тасвирланадиган объект ёки субъектга ўз муносабатини билвосита етказиш имконини берадиган концептуал категориядир.

Киноя кенгайтирилган троп (кўчим) сифатида эмас, балки муайян бадиий жанрлар доирасидаги тизимли ва универсал омил сифатида намоён бўлади. У адабий матн шаклланиши динамикасини таъминлашга хизмат кўрсатади. Матнни ташкил этувчи киноя матн лингвистикаси ва поэтикасининг муҳим бўғинларидан бири сифатида матннинг яратилиши ва ифодаланиши механизминини аниқлашга ёрдам беради.

Насрда матн ҳосил қилувчи киноя драматик истехзо турига жуда яқин туради. Чунки бунда қаҳрамон ўз позициясининг йўқотгандек туюлади.

М.Ю.Орлов таъкидлаганидек, инглиз ҳикояларининг ҳар хил турларида, ҳикоя тузилиши ва турли нуқтаи назарларнинг ўзаро таъсирига қараб (адашган маърузачи, объектив баҳо беришга қодир ҳикоячи ва бошқалар) матнни ташкил этувчи киноя турли хил тушунтиришга эга бўлиши мумкин. Бунда муаллифнинг нуқтаи назари қарама-қарши бўлақларнинг композицион ёнма-ён келиши, киноя, гиперболо, такрорлар, синсемантик сўзларнинг актуализацияси, сарлавҳа ва бошқалар орқали очилади. Ҳикоянинг барча турларида матн ҳосил қилувчи иронияни тушунтиришнинг бир қанча усуллари ўз аксининг топади. Булар: а) матн тасвирлаётган воқеликка ҳикоя қилувчи томонидан берилган ва ўқувчига очиқ бўлган ахлоқий баҳоларнинг номувофиқлиги; белгилар ўртасидаги яширин диалог; адашган ҳикоячи нуқтаи назари ва муаллиф баҳосининг бир матн доирасида бирга яшаши; б) ҳикоя қилувчининг эгосентризмининг кўрсатадиган категорик баҳолаш ва луғат, (ҳиссий-баҳоловчи калит сўзларнинг мавжудлиги, ноаниқлик, шубҳа ёки эҳтимоллик модаллигининг оғзаки кўрсаткичларининг йўқлиги); в) персонажлар образларининг қарама-қаршилиги; ва қарама-қарши техника д) вазиятларнинг параллеллигига олиб келадиган ва ҳазил эффектини яратиши мумкин бўлган белгиларнинг истехзоли ассимиляцияси; э) алданган умидларнинг таъсири.

---

<sup>26</sup> Орлов М.Ю. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2005. – 45 с.; Кирюхин Ю.А. Ирония как актуальная форма комического: Автореф. дисс. ... канд. философ. наук. – Москва, 2011. – 45 с.

Матнни ташкил этувчи кинояни фаоллаштиришнинг энг муҳим воситаси матнлараро инклюзиялардир. Киноя билан ташкил этилган матнлар фрейд мотивлари билан ажралиб туради. Бунда яна матннинг энг муҳим матн яратувчи компоненти – сарлавҳа баъзи ҳолларда матнни психоаналитик асосда талқин қилиш имкониятини беради. Киноя комикликнинг бир шакли сифатида метаматн, яъни маданиятнинг махсус, ўзига хос матни, унинг тузилиши маълум бир тил тизимининг ўзига хос матни ва нутқ контекстининг бирлиги асосида шаклланади.

